

НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШГА ЎТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Примова Нигора Икром қизи

ТДИУ Молия ва молиявий технологиялар кафедраси доценти,
e-mail: n.primova@tsue.uz

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида маъмурий-бюджет ислохотлари шароитида натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни (НЙБ) жорий этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган. Тадқиқотнинг долзарблиги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришиш учун давлат молиясидан фойдаланиш самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш зарурати билан белгиланади. Муаллиф анъанавий сметавий молиялаштиришдан НЙБга ўтишнинг асосий афзалликларини, жумладан, давлат органлари ва бюджет ташкилотлари раҳбарларининг аниқ ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришиш учун масъулиятини кучайтириш, бюджет харажатларининг асослилигини ошириш, шунингдек, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш учун рағбатлар яратишни таҳлил қилади. Мониторинг ва баҳолаш тизимини ривожлантириш, институционал салоҳиятни мустақамлаш ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурати каби Ўзбекистонга хос бўлган ўзига хос шарт-шароитлар ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро тажрибани таҳлил қилиш ва республикада амалга оширилаётган ислохотлар (шу жумладан, дастурий бюджет ва давлат дастурларини жорий этиш) асосида НЙБнинг афзалликлари нафақат молиявий соҳада, балки аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш сифатини оширишда ҳам намоён бўладиган комплекс хусусиятга эга эканлиги тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Таянч сўзлар: натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ), бюджет ислохоти, давлат молияси, бюджет харажатлари самарадорлиги, давлат дастурлари, фаолият натижалари, мониторинг ва баҳолаш, давлат хизматлари.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, 46-мақсадида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та самарадорлик кўрсаткичларидан бири 2030 йилгача “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига тўлиқ ўтиш кўзда тутилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бу ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги “натижага йўналтирилган бюджет” (Дастурий бюджетлаштириш) тизимини жорий этиш ҳисобланиб, мазкур мақсад бўйича қуйидагилар амалга оширилди [2].

Ҳар бир давлатнинг миллий стратегиясида (5-10 йиллик) белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағларнинг узвий боғлиқлиги Дастурий бюджетлаштириш тизими орқали таъминланади.

Шу муносабат билан, ушбу тизимга ўтишнинг дастлабки босқичида сўнги уч йилда мамлакатнинг тараққиёт стратегияси ҳамда миллий барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган стратегик мақсадлардан келиб чиқиб, вазирлик ва идоралар бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари белгиланди.

Юқорида қайд этганимиздек, “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида 2030 йилгача “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига тўлиқ ўтиш мақсади қўйилган бўлиб, бу йўналишдаги ишларни илмий-назарий асослаш ва амалиётга тадбиқ этишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бюджетлаштиришга янги ёндашувларни жорий этиш давлат секторини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг ажралмас элементи бўлиб, бошқарув бизнес-технологияларини давлат аппарати фаолиятига ёйишга қаратилган. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) - бу давлат хизматларининг самарадорлиги ва самарасини оширишга қаратилган бюджет жараёнидаги замонавий ёндашувдир. АҚШда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш 1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб амалиётга жорий этила бошланган. АҚШлик иқтисодчи Аллен Шик (Allen Schick) ўз ишларида НЙБнинг амалиётига доир муҳим таҳлилларни тақдим этган. У 2003 йилда чоп этган “The Performing State: Reflection on an Idea Whose Time Has Come but Whose Implementation Has Not” мақоласида НЙБнинг назария ва амалиётдаги муаммоларини ёритиб берган [3]. Дональд Мойнихан (Donald Moynihan) 2008 йилда чоп этган “The Dynamics of Performance Management: Constructing Information and Reform” номли илмий ишида [4] НЙБнинг ижроия органларда қандай қўлланилиши ва уларнинг иш фаолиятига таъсирини ўрганган. Россиялик тадқиқотчи А.М. Лавров томонидан 2015 йилда чоп этилган “Бюджет ислохотлари: натижалар ва самарадорлик” мақоласида [5] НЙБнинг Россия иқтисодиётига таъсирини таҳлил қилган. Ўзбекистонлик тадқиқотчи Ш.Т. Ҳожиева 2020 йилда эълон қилган “Бюджет ташкилотлари фаолиятини натижалар буйича баҳолаш методикаси” номли тадқиқотида [6] НЙБнинг амалиётида қўлланиладиги баҳолаш критерийларини ишлаб чиққан.

Бизнинг тадқиқотларимизда “натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” технологиясини бюджетни шакллантириш ва ижро қилишнинг замонавий шакли деб айтиш мумкин. Мазкур технология бюджет харажатлари ва мазкур харажатлардан кутилаётган самара ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, бюджет хизматларини кўрсатиш билан эришилган натижани ва уларнинг ижтимоий, иқтисодий самарадорлигини ва натижадорлигини ифодалайди[7].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

“Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” технологияси бўйича тадқиқот олиб боришда гуруҳлаш, абстракциялаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда “натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” бўйича тизимли адабиётлар таҳлили амалга оширилди. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, “натижага йўналтирилган бюджетлаштириш”ни турли адабиётларда технология, модель, услуб, усул, тизим, механизм сифатида ўрганилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Илгари иқтисодиётни бошқаришнинг марказлаштирилган тизими мавжуд бўлган мамлакатлар, шунингдек, кўплаб Ғарб мамлакатлари бюджетни тузишда харажатли ёндашувдан (input budgeting) фойдаланадилар [8]. Ушбу ёндашув ресурсларни режалаштириш ва тақсимлашнинг шундай усули билан тавсифланадики, унда ресурслар ва улардан фойдаланишнинг бевосита натижалари, шу жумладан давлат муассасалари фаолияти натижалари ўртасидаги боғлиқлик жуда заиф, яъни харажатларни бюджетлаштириш биринчи навбатда мавжуд ресурсларга йўналтирилган.

Ўз навбатида, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш давлат ташкилотлари (вазирлик ва идоралар) фаолиятининг стратегик мақсадлари ва тактик вазифалари, кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижаларини биринчи ўринга қўяди. Бу тегишли дастурлар орқали ресурсларни сафарбар қилиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг бошланғич нуқтаси бюджет маблағларини сарфлашнинг тўғридан-тўғри ва якуний натижалари ҳамда кўрсаткичларини аниқлаш бўлиб, улар асосида қўйилган мақсадларга эришиш даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин.

Хорижий тажриба дастурий-мақсадли тамойиллар асосида қурилган бюджет жараёнига ўтишнинг иккита эҳтимолий варианты мавжудлигидан далолат беради. Биринчи вариант

бюджет жараёнининг барча иштирокчилари (энг аввало, вазирлик ва идоралар) бюджет жараёнига дастурий-мақсадли тамойиллар элементларини босқичма-босқич жорий этишдан иборат. Иккинчи вариант қуйидагиларни назарда тутати:

- 1) дастурий-мақсадли бюджетлаштиришнинг барча асосий элементлари бир вақтнинг ўзида жорий этиладиган бир нечта пилот вазирликларни танлаш;
- 2) олинган натижалар таҳлили;
- 3) ислохотларнинг дастлабки режаларига тузатишлар киритиш;
- 4) тузатилган режаларни бошқа вазирлик ва идораларга татбиқ этиш.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтиш, асосан, унинг ижросини назорат қилиш механизмларини босқичма-босқич ўзгартиришни назарда тутати. Бюджет ижросини назорат қилиш учта асосий босқичдан иборат:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ва бошқалар каби марказий назорат органлари томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг ташқи назорати.

2. Тармоқ вазирликларининг ўзлари томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг ички назорати.

3. Тармоқ вазирликлари бўлинмаларининг бошқарув мустақиллиги, натижаларга эришишдаги масъулияти.

Энди натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришга ўтиш бу жараёнга қандай ўзгаришлар киритишини кўриб чиқамиз.

1. Харажатларнинг умумий суммасини аниқлаш. Харажатларнинг умумий суммасини аниқлаш тартиби ўзгартирилмоқда. Натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришга ўтиш кўп йиллик (ўрта муддатли) режалаштиришга ўтишни назарда тутати. Одатда натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришдан фойдаланишда қўлланиладиган харажатларни ҳисоблаш усули ҳам йиллар бўйича ва умуман бутун давр учун харажатлар лимитларининг аниқ миқдорларини аниқлашга таъсир кўрсатади.

2. Харажатларни вазирликлар ва идоралар ўртасида тақсимлаш. Харажатларнинг умумий лимити давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича бюджетдан молиялаштириш лимитларига айлантирилади, улар келгусида вазирликларнинг дастурлари, кичик дастурлари ва фаолият турларини амалга ошириш харажатларини асослаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

3. Вазирликлар томонидан ўзларининг бюджет буюртмаларини шакллантириш. Натижага йўналтирилган бюджетни режалаштириш бюджет жараёнига киритадиган энг муҳим ўзгаришлардан бири вазирликлар томонидан ўз бюджет буюртмаларини тайёрлаш билан боғлиқ. Натижага йўналтирилган бюджетни режалаштириш шароитида бюджетдан молиялаштиришни олиш ва харажатларни асослаш учун буюртмалар мақсадлар ва дастурлар кесимида тузилади. Вазирликларнинг бюджет буюртмалари ягона шаклда тузилади ва бир неча қисмлардан иборат бўлади.

Шунга қарамай, бюджет ташкилотларида бюджетни режалаштиришнинг иккита моделидан муқобил равишда фойдаланиш мумкин. Биринчисида асосий эътибор харажатларни бошқариш ва батафсил назорат қилишга қаратилган бўлиб, натижалар ноаниқ кўрсатилган (анъанавий харажат модели). Бундай моделни харажатли деб аташ мумкин. Иккинчиси (натижавий модель ёки НЙБ) харажатларнинг фақат юқори чегараларини белгилаган ҳолда натижаларни назорат қилиш ва бошқаришни назарда тутати.

Яқин вақтларгача молиявий режалаштиришнинг харажатлар модели энг кенг тарқалган эди. Давлат идоралари харажатларини назорат қилиш керак, натижалар эса у ёки бу давлат органининг мавжудлигидан келиб чиқиб, ўз-ўзидан “қўлланилиши” керак, деб ҳисобланарди. Бу позиция ҳеч бўлмаганда учта ҳолат билан мустаҳкамланган.

Биринчидан, у давлат органларининг ўзлари, уларнинг раҳбарлари ва хизматчиларининг манфаатларини акс эттирди, уларга эришилган натижалар учун эмас, балки сарфланган маблағлар учун ҳисобот бериш осонроқ эди. “Оддий ижрочи”, “бюджетдан маблағ олувчи” позициясида туриб, давлат органи ва унинг раҳбарияти қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари учун жавобгарликни маъмурий пирамиданинг энг юқори қисмига юклайди. Жамиятнинг барча даъволари юқори даражадаги раҳбарларга ўтказилади, қуйи даражадаги амалдорлар эса “тоза ва покиза” бўлиб қолади. Улар буйруқни бажарадилар, самарадорликка

эмас, балки фақат маблағлардан мақсадли фойдаланишга риоя қилишга интиладилар. Бунда кўпинча бюджетдан мақсадли ёки мақсадсиз фойдаланишни ажратиш жуда қийин бўлади, чунки давлат органларининг вазифалари ва функциялари аниқ белгиланмаган.

Иккинчидан, давлат бошқарувидаги натижалар харажатлардан фарқли ўлароқ, ўлчаш, назорат қилиш ва бошқариш учун бекиёс даражада мураккаб ва камроқ расмийлаштириладиган предмет бўлиб туюлади. Аньанага риоя қилган ҳолда, раҳбарлар кўл остидаги ташкилотларга маблағларни тасарруф этишда кўпроқ эркинлик бериш имкониятига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашадилар. Мажбурий топширик сифатидаги кўрсаткичлар назорат қилиш учун жуда ишончсиз кўринади. Давлат органининг вазифаси аниқ белгиланмаган, унинг ваколатларига турли хил ва кўпинча бир-бирига мос келмайдиган функциялар киритилган бўлади.

Учинчидан, давлат хизматида молиявий режалаштиришнинг мавжуд тизимини сақлаб қолишнинг “объектив” сабаби сифатида бюджет маблағларининг етишмаслиги ва мамлакатнинг мураккаб иқтисодий аҳволи кўрсатилади.

1-жадвал

Режалаштиришнинг харажатли ва натижавий моделини таққослаш*

Харажатли модель (2-расм)	Натижага йўналтирилган модель (2-расм)
1. Бюджетнинг мақсади – давлат органлари, муассасалари, бошқа бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳар бирига уларни қаттиқ назорат қилиш мақсадида ҳар хил турдаги бюджет таснифининг каср моддалари бўйича харажатлар суммаларини тасдиқлашдан иборат.	1. Бюджетнинг вазифаси - харажатларнинг устуворлигини белгилаш, оператив бошқариш учун кенглик бериш, маблағларни тежаш учун рағбатлар яратиш. Харажатлар функциялар, дастурлар, хизматлар, фаолият турлари ва уларнинг натижаларига боғлиқ.
2. Давлат органлари (муассаса-лари) бюджет харажатларининг объекти ҳисобланади. Бюджетнинг иқтисодий ва идоравий тузилиши устувор ҳисобланади. Харажатларнинг ортиқча тавсифи мавжуд	2. Харажатлар муайян пировард натижаларни назарда тутувчи фаолият турлари ва вазифалар бўйича тақсимлана-ди. Бюджет харажатларининг функционал ва дастурий тузилмаси устувор ҳисобланади.
3. Бюджетни режалаштириш куйидан-юқорига қараб амалга оширилади. Режалаштиришда ресурсларга (молиявий, кадр-ларга ва бошқаларга) бўлган эҳтиёжни асослаш асосий ҳисобланади. Бюджет бир йилга белгиланади. Фаолият-дан кутилаётган натижалар унинг натижадорлиги каби асосланмайди. Режалаштириш, асосан, идоралар ва уларнинг сметалари кесимида амалга оширилади.	3. Режалаштириш юқоридан - пастга қараб амалга оширилади. Фаолиятни режалаштиришда устуворликлар ва кутилаётган натижаларни асослаш бошланғич ҳисобланади. Бюджет харажатлари натижа кўрсаткичларига унинг ўсишини таъминловчи омиллар ва чоратдбирларни ажратиб кўрсатган ҳолда натижадорлик ҳисоб-китоблари орқали “боғланади”. Режалаштириш-нинг дастурий усули асосий бўлиб қолади. Ажратилган маблағларнинг узок муддатли ўтиш лимитлари белгиланади ва уларга ҳар йили тузатишлар киритилади.
4. Бюджетни бошқариш асосан унинг харажат моддалари ва бюджет ёзувлари бўйича ижросини назорат қилишдан иборат. Моддалар ва бўлимлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди ёки жуда қийин. Бюджет ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар йил охирида тугатилади. Бюджетни бошқаришда “Фойдалан ёки йўқотасан” тамойили асосий ҳисобланади.	4. Давлат органлари ва уларнинг бўлимлари раҳбарларига маблағларни тезкор бошқариш (харажатлар моддалари ва даврлари ўртасида ўтказиш) имконияти берилади. Фақат маълум функциялар ва фаолият турлари учун ажратилган маблағларнинг умумий суммаси (глобал бюджет) чекланади. Бюджетнинг қатъий белгиланган миқдори фаолиятни рационаллаштириш ҳисобига унинг нисбий тежамкорлигини рағбатлантиради.
5. Марказий ёки ихтисослаш-тирилган идоралар томонидан амалга ошириладиган	5. Олдини олувчи ички назоратга устунлик берилади. Қарор қабул қилиш масъулияти куйи бўғинларга юклатилади. Молия ва фаолият

ташки назорат устунлик қилади. Харажат ва даромад операциялари юқори турувчи ёки махсус назорат органлари томонидан олдиндан тасдиқланади.	натижаларининг мониторинги ва кейинги ташқи аудити ўтказилади. Белгиланган маблағ ажратиш лимитлари доирасида харажатлар ва даромадларни олдиндан тасдиқлаш талаб этилмайди.
6. Фаолиятни баҳолаш харажат ва даромад операцияларининг уларни амалга ошириш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлиги асосида амалга оширилади. Фаолиятни оқилона ташкил этиш ва маблағларни тежаш учун рағбатлар мавжуд эмас.	6. Фаолиятни баҳолаш режа-ларга мувофиқ эришилган натижалар бўйича амалга оширилади. Молия дастурлар, фаолият турлари ва вазифалар бўйича ажратилган маблағларнинг жамланган лимитлари доирасида назорат қилинади. Тежалган маблағлар (ёки уларнинг бир қисми) ташкилот раҳбариятининг хоҳишига кўра фаолиятни ривожлантириш ёки қўшимча иш ҳақи тўлаш учун ишлатилиши мумкин.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат бошқаруви соҳасида фаолиятни режалаштириш, молиявий бошқариш ва назорат қилишнинг шаклланган амалиётини сақлаб қолиш харажатлар моделининг қуйидаги камчиликларига олиб келади:

- Молиявий қарорларни қабул қилиш учун жавобгарлик бошқарувнинг энг юқори даражаларида тўпланган бўлиб, улар ҳаддан ташқари юкланган ва кўпинча кирувчи маълумотларни етарли даражада қабул қила олмайдилар. Кўплаб қилишувларни талаб қиладиган қарор қабул қилиш жараёни чўзилмоқда. Қарорларнинг ўзи баъзан долзарб бўлмай қолади.

- Давлат бошқарувининг қуйи бўғинида масъулият даражаси пасаяди ва ташаббускорлик чекланади. Маблағларни тежаш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланишга қизиқиш йўқ. Иш ҳақи мақоми ва даражаси бўйсунувчилар сони, стаж, бажариладиган кўрсатмалар ҳажми, яъни якуний натижалар билан боғлиқ бўлмаган параметрлар билан белгиланади.

- Ишлар ва хизматлар бирлигига харажатларнинг ўсишини рағбатлантириш доимий равишда амал қилади, чунки амалдорлар ўз ҳаётларини яхшилаш учун бошқа имкониятларга эга бўлмасдан, ички рационализацияни амалга оширмасдан, вақти-вақти билан таъминот харажатларини ошириш талаблари билан мурожаат қиладилар.

- Фаолиятнинг якуний натижалари ўз-ўзини назорат қилувчи молиявий интизомга риоя қилиш билан таққослаганда иккинчи даражали бўлиб чиқади.

Бундай тизим эртами-кечми молиявий инқироз ёқасига келиб қолиши аниқ. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар муттасил етишмайди, давлат хизмати меҳнат бозорида рақобатбардошлигини, шу билан бирга жамиятнинг мураккаблиги ва кўлами тобора ортиб бораётган талабларига бардош бериш имкониятини ҳам пасая бошлайди.

Бундай вазиятни олдиндан кўра билган ҳолда, бюджетга нисбатан фаровонроқ ва катъийроқ бюджет интизомига эга бўлган кўплаб мамлакатлар натижалар бўйича бюджетлаштириш тизимига ўтиш дастурларини қабул қилдилар. Улар қаторига, масалан, давлат бошқаруви ва бюджетлаштиришнинг анъанавий консерватив тизимига эга мамлакатлар - Германия (2008 йилдан янги тизимга ўтиш дастури) ва Франция (2006 йилдан дастурни амалга ошириш) киради [9].

Юқорида айтиб ўтилганидек, бюджетни режалаштириш ва ижро этишда янгича ёндашувни жорий этиш давлат бошқарувини ислоҳ қилиш умумий жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. У, хусусан, истиқболли бюджетни режалаштиришни жорий этиш ва тегишли институционал ўзгаришлар билан бирга олиб борилиши керак. Барча саъй-ҳаракатларнинг натижаси давлат томонидан бюджет ресурсларини давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўртасида янада самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўлиши керак [10].

Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги назорат функцияларини тармоқ вазирликларига ўтказиш ва давлат сиёсати масалаларига ҳамда бюджет харажатларининг самарадорлигини таҳлил қилишга кўпроқ

эътибор қаратиш, уларни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Тармоқ вазирликлари учун натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг афзалликлари назорат қилувчи органларнинг улар фаолияти устидан майда васийлик қилишдан воз кечиши ва уларга юклатилган давлат функцияларини бажаришда кўпроқ эркинлик беришдан иборат. Тармоқ вазирликлари учун бу яна шуни англатадики, улар бюджет буюртмаларини натижага йўналтирилган бюджетлаштириш талабларига мувофиқ асослашлари ва парламентда ўзлари ҳимоя қилишлари керак.

Умуман олганда, жамият учун натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг аҳамияти шундаки, у ҳукумат ўз олдига қандай мақсадларни қўяётганини, улар аҳолининг (турли гуруҳлари) эҳтиёжларига қанчалик жавоб беришини ва ҳукумат белгиланган мақсадларга қай даражада эришаётганини яхшироқ тушунишга имкон беради.

Бироқ бугунги кунда мамлакат бюджет тизими натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилларини жорий этишга етарли даражада тайёр эмас. Тизим таҳлили шуни кўрсатдики, вазирлик ва идоралар ҳар доим ҳам молиялаштириш натижаларини у ёки бу идора фаолияти натижаларига боғлаш зарур бўлганда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилининг моҳиятини тўлиқ тушунмайдилар. Бошқа томондан, кўплаб бошқа муаммолар ҳам аниқланди, масалан, функцияларнинг такрорланиши ёки у ёки бу тузилмалар фаолияти натижаларининг йўқлиги. Шундай қилиб, бу тайёр эмаслик икки жиҳатда намоён бўлди: тузилмаларнинг ўзлари бу тамойилни жорий этишга тайёр эмаслигида ва тизимнинг мавжуд схемаларга тез мослашишга тайёр эмаслигида.

Йўналтирилган бюджетлаштириш, албатта, ўрта муддатли молиявий режалаштириш тизимини жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, бунда бюджет маълум бир ўрта муддатли режани тасдиқлаш билан параллел равишда тасдиқланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалда жорий жараёни бошқариш тизими эмас, балки инқирозга қарши бошқарув тизими қўлланилди ва шу сабабли ўрта муддатли режалаштиришни қандайдир тарзда жорий этиш ҳақида гапириш жуда қийин эди. Турли сиёсий ва иқтисодий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда уч йилдан кейин нима бўлишини олдиндан айтиш ҳозир ҳам анча қийин. Ўрта муддатли режалаштириш тизимисиз эса натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амал қилмайди.

Бундан ташқари, мамлакатда бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш, аниқроғи, турли даражадаги ҳокимият органлари ўртасида юритиш предметлари ва ваколатларни чегаралаш билан боғлиқ ислоҳот тугалланмаган. Шу муносабат билан у ёки бу тузилмалар фаолиятининг натижаларини аниқлаш ҳозирча қийин, чунки уларнинг функционал вазифалари норматив даражада ҳали охиригача ёзиб қўйилмаган.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилларини жорий этиш билан бир қаторда, ушбу тамойилнинг бошқа томони бўлган маъмурий ислоҳот, бюджет ҳисоби тизимини ўзгартириш, бюджет таснифи, бюджет муассасалари тармоғини қайта тузиш ва бошқалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар ҳали тугалланмаган ва улар ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Шунинг учун мамлакат ва бутун бюджет тизимининг янги тамойилларга ўтишга тўлиқ тайёрлиги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Бундан ташқари, ушбу ислоҳотни амалга оширишда чалкашлик хавфи мавжуд, чунки баъзи идоралар натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимига қайта тузилиши жуда қийин. Масалан, Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятида сезиларли натижаларни тасаввур қилиш қийин. Унинг учун кўп жиҳатдан жорий молиялаштириш сақланиб қолиши керак. Республика идоралари томонидан ҳал этиладиган вазифалар борки, улар аниқ натижага олиб келмаслиги мумкин. Шунга кўра, уларни молиялаштириш жорий режимда ушлаб турилиши керак.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтиш – бу фақат молиявий-ҳисобот механизмининг ўзгартириш эмас, балки бутун давлат бошқаруви философиясини, фаолиятни баҳолаш ва назорат қилишнинг янги

тамойилларини жорий этишдир. НЙБ модели давлат органларининг фаолиятини стратегик мақсадларга эришиш воситаси сифатида қўриб, молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, НЙБга ўтиш узоқ муддатли (ўн йиллаб давом этадиган) ва мураккаб жараён бўлиб, у фақат молиявий тизимни эмас, балки маъмурий, ахборот алмашинуви ва кадрлар тизимини ҳам ўз ичига оладиган комплекс ёндашувни талаб этади. Республика учун бу жараён янада долзарб бўлиб, мамлакатимизда ўрта муддатли режалаштириш тизимининг мураккаблиги ва талабга жавоб бермаслиги, турли даражадаги ҳокимият органлари ўртасидаги ваколат ва мансабдорлик чегараларининг номаълумлиги, функционал вазифаларнинг аниқланмаганлиги каби муаммолар мавжуд.

Шу билан бирга, НЙБни жорий этиш ҳукумат фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат хизматчиларининг маъсулияти ва жонбозлигини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини вижудга келтиради.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимига муваффақиятли ўтиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- босқичма-босқич ёндашувни жорий этиш;
- меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- кадрлар тайёргарлиги ва маданиятини ўзгартириш;
- ахборот таъминоти инфратузилмани ривожлантириш;
- ўрта муддатли молиявий режалаштириш тизимини жорий этиш;
- вазифалар ва ваколатларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Хулоса қилиб айтганда, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтиш Ўзбекистоннинг иқтисодий ривож ва давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб, унинг муваффақлиги босқичма-босқич, изчил ва барча ҳайъатларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги комплекс ёндашувни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2020 йилдаги “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4966572>
3. Allen Schick, 2003. “The Performing State: Reflection on an Idea Whose Time Has Come but Whose Implementation Has Not.” OECD Journal on Budgeting, OECD Publishing, vol. 3(2), pages 71-103.
4. Moynihan, D.P. (2008) The Dynamics of Performance Management: Constructing Information and Reform. Georgetown University Press, Washington DC.
5. Лавров, А. М. Бюджетная реформа в России : от управления затратами к управлению результатами / А. М. Лавров. - Москва, 2018. - 555 с. - (Общественные финансы; вып. 10).
6. Ҳожиева Ш.Т. Бюджет ташкилотлари фаолиятини натибалар буйича баҳолаш методикаси. Молия ва бозор иқтисодиёти. 2020 й.
7. Примова Н. Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш механизмини ривожлантириш. // “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot” илмий-электрон журналы. 2024 й. №4-сон.
8. Hall, M. (2016). Performance Budgeting in OECD Countries. OECD Journal on Budgeting.
9. Alders, J. (2019). Performance-Based Budgeting in the Netherlands. Public Money & Management.
10. Климанов В.В. (2010). Бюджетирование, ориентированное на результат: теория и практика. Москва: ИЭПП., 2010 г.
11. Абдуллаев Р.Х. (2019). Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этишнинг назарий-методологик жиҳатлари. Иқтисод ва инновацион технологиялар илмий-электрон журналы. 2019 й.